

41 (987)-сон

6 — 12 октябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



2

МЕНИНГ ҚИЗИМ ЧЕМПИОН, СИЗНИКИ-ЧИ?



3

ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ



7

КЎНГИЛ ХИЁБО- НИДАГИ УЧРАШУВ

ЎФРИНИНГ ҲИММАТИ



8



Собир НАРЗИЕВ
сурат-лавҳаси

АЁЛЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит, шароит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарт бўлган бандлик масаласини ҳал этиш, хотин-қизларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш бериш, бу борада олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада қучайтириш, аёлларнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, уларнинг қобилият ҳамда истеъдодини тўла рўёбга чиқариш каби масалалар давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

Айниқса, бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 10 фоизга яқини аёллар бошқараётгани ҳисобга олинган ҳолда, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам уларнинг иқтисодий мавқеини кўтариш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий сабоқ берадиган тадбирлар орқали тарғибот ишларини йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, айниқса, қишлоқ аёлларининг иқтисодий билимларини кенгайтириш масъул ташкилотлар ва хотин-қизлар кўмиталарининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада, айниқса, хотин-қизларнинг бандлик масаласи, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун эса давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бирга халқаро ташкилотлар имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис айни кунларга қадар хотин-қизлар кўмиталари, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида "Ишсиз аёлларни ўқитиш, уларга хунар ўргатиш", "Кредит уюшмаларини қўллаб-қувватлаш", "Инновацион методлар ёрдамида ҳаёт даражасини кўтариш" каби лойиҳалар амалга оширилди ва натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Тошкент вилоятларида янги корхоналар ишга туширилди, янги иш ўринлари яратилди.

(Давоми 2-бетда.)

“ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азбоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?



ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ:

Style.uz лойиҳасига уч кун қолди

Art Week Style.uz — Марказий Осиёдаги замонавий ва анъанавий миллий мода ҳамда санъатни янада ривожлантиришга қаратилган биринчи, энг ёрқин ва кенг қамровли маданий лойиҳадир. У Ер юзининг барча мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонларни минтақамизнинг маданий марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда ўтмиш ва келажак чорраҳаси дея эътироф этилаётган Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида бирлаштиради. Санъат ҳафталиги доирасида ўтказиладиган миллий дизайнерлар намоиши «Gucci», «Messoni», «John Galliano», «Oscar de la Renta» ва бошқа етакчи жаҳон брендларининг янги тўпламлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юқоридагиларга уйғун тарзда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) билан ҳамкорликда "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш" лойиҳасини бўйича ташкилий ва амалий ишларни бошлагани эътиборга лойиқдир.

Лойиҳанинг ташкилий ишларини йўлга қўйиш БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) томонидан ажратилган 80 000 АҚШ доллари миқдоридagi маблағи ҳисобидан, шунингдек, лойиҳанинг асоси бўлган гуруҳлар кафилиги остида кредитлаш тизими эса Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик

ларни танлаш ва бошқа ташкилий ишлар бўйича ўрганиш жараёнлари олиб борилмоқда. Лойиҳани амалга оширишнинг ташкилотчилик жараёнларида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, кўмиталар қошидаги марказлар, банклар ҳамда маҳалла маслаҳатчиларининг кучларига таянилади.

Гуруҳ кафилиги остида ажратиладиган мазкур кредит аввало, қишлоқ аёлларининг бир-бирига бўлган ишончини, инсоний муносабатларини, бир-бирига суяниш каби халқона фазилатларини янада мустаҳкамлайди.

Шу сабабли беш босқичдан иборат ушбу лойиҳанинг илк босқичларида маҳаллалардаги аёллар ўртасида унинг моҳиятини тушунтириш, иштирокчиларни хоҳиш ва йўналишига кўра гуруҳларга

ган.

Жорий йилнинг 15-17 сентябрь кунлари лойиҳа бўйича хориждан юртимизга ташриф буюрган вакиллар — БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) нинг бош техник маслаҳатчиси Сагила Джусаева, микрокредитлаш бўйича халқаро даражадаги эксперт Субҳаш Вадва, Ижтимоий бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро эксперт Соумтири Рамачандраналар мазкур лойиҳани амалга татбиқ этиш мақсадида музокаралар ўтказди.

Шунингдек, ташриф доирасида Қашқадарё вилоятида хотин-қизлар кўмиталари ва мавжуд банклар ҳамкорлигида кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначи-

ЖАРАЁН

ривожланишига қўшаётган ҳиссасини хорижий экспертлар юқори баҳолашди.

Турли халқаро ҳужжатларда ва айнан БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияси ҳамда бу борада ишлаб чиқилган Миллий ҳарақатлар режасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилнинг 25 майда имзоланган Фармонида ҳам имконияти чекланган аёлларга ёрдам берувчи марказларни ташкил этиш вазифаси жиддий масала сифатида қўйилган.

Шу кунга қадар хотин-қизларнинг касб-малакасини оширишга кўмаклашиш, турли ҳолатларда етарлича маслаҳатлар бериш ва билим олишларини, шу орқали аёлнинг ўз қадр-қиммати ва оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари қошида жами 69 та "Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари" ташкил этилган бўлиб, мазкур марказлар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Қашқадарёда юзлаб аёлларга турли даражаларда ёрдам кўрсатиб келаётган 6 та "Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари" "Қалб меҳри" ижтимоий ҳимоя маркази фаолияти билан танишишди. У ерда яратилган шарт-шароитлар, ноқулай ҳолатларга тушиб қолган ҳимояси аёлларга ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдамлар кўрсатиш имкониятлари, марказ қошидаги тикув машиналари билан таъминланган чевар қизлар фаолияти барчага манзур бўлди.

Қарши туманидаги 50 нафарга яқин уй бекалари, маҳалла фаоллари билан ўтказилган мулоқотлар ҳам самимий ва ҳаётий фикрлар асосида кечди. Оддий қишлоқ аёллари билан бўлиб ўтган суҳбатларда халқимизнинг минг йиллик анъаналари, қадриятлари яна бир бор ўз кучини намойён қилди.

Бир сўз билан айтганда, жойларда аҳоли ўртасида ўз иқтисодий имкониятларини сарфлаш, боқимандалик кайфиятини енгган ҳолда юқори даражадаги турмуш шароитини яратиш учун интилиш кайфиятини пайдо қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб боришни ва шу орқали аҳоли ўртасида ўз ҳуқуқини англаш, демократик жамият куриш йўлида фуқароларнинг ўз иштирокини кучайтиришга эришиш йўлида олиб борилаётган сайёҳаракатлар аёллар учун яна бир имконият бўлди.

Гулжамол АСҚАРОВА,
Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси.

АЁЛЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

тижорат банки ўртасида тузилган меморандум асосида ажратилган 200 млн сўмлик маблағ ҳисобидан йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади жойларда, айниқса (мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшаши ва ушбу аҳоли сонининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этиши, шу боис аёллар ишсизлигининг маълум фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келишини инобатга олиб) қишлоқларда тадбиркорликни энди бошлаётган аёллардан гуруҳлар тузган ҳолда уларга гаровсиз, кам фонизли кредит маблағлари ажратиш асосида қишлоқ аёлларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини кучайтириш, фаоллигини ошириш ва уларнинг оилалар иқтисодий фаровонлигига қўшаётган ҳиссасини орттиришга кўмаклашидир.

Ушбу лойиҳа республикамизнинг Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг маҳсус мезонлар асосида танлаб олинган ҳудудларида амалга оширилиши режалаштирилган. Айни кунларда Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида лойиҳа асосида ишловчи экспертлар аниқланди. Қорақалпоғистон Республикасида кадр-

жамлаш, гуруҳ аъзолари иқтисодий билими ва мазкур мақсад доирасидаги хабардорлик даражаларини орттириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказиш каби

ликни фаоллаштириш йўли билан янги ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларига микромолиявий маблағлар беришни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Маълумки, мамлакатимизда Кредит уюшмаларининг ташкил этилиши аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришнинг яна бир муҳим омили бўлди ва бугунги кунда республикамизда мавжуд 110 та кредит уюшмаларининг 33 тасини аёллар бошқариб келаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Халқаро экспертлар Қашқадарёда вилоят "Тадбиркор аёл" кредит уюшмасининг фаолияти билан танишдилар ва ташкилот миқозлари бўлган хотин-қизларнинг кредит маблағларини сарфлаш бўйича режалари, айниқса, қишлоқларда яшаётган оддий уй бекаларининг ҳунармандчилик, чеварчилик, паррандачилик каби меҳнат турлари билан фаол шугулланаётгани, 19 ёшдан 60-65 ёшгача бўлганларнинг аниқ бизнес режалар асосидаги тадбиркорлик фаолиятини ҳамда ўз оилаларининг иқтисодий

ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Лойиҳа асосида бирлашган гуруҳлар ажратилган кредитлар ҳисобидан ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олишлари ва кейинчалик фаолиятини давом эттиришлари учун етарли тажрибага эга бўлишлари ҳам мақсад қилиб олин-



ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Theatre.UZ/2010» биринчи халқаро театр фестивали бошланди.

Фестивалнинг очилишига бағишлаб Ўзбекистон ёшлар театрида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирликлар ва идоралар, ижодий ташкилотлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари, театр ихлосмандлари иштирок этди. Унда Президентимиз Исролом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишларини изчил равнақ топтириш борасида олиб борилаётган эзгу интилишлар миллий ўзлигини англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш, баркамол авлодни воёга етказишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси

фаолиятида санъат, жумладан, театр санъатига оид илғор ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ижодкорларнинг эзгу оруз-интилишларини рўёбга чиқариш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш

муҳим ўрин тутди. Жамғарма томонидан бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган «Theatre.UZ/2010» биринчи халқаро театр фестивали ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Мазкур ижодий фестивалдан кўзланган асосий мақсад — юртимиз ва хорижий театрларнинг илғор анъана ва ютуқлари билан санъат ихлосмандларини кенг таништириш, томошабинларни миллий ва хорижий театр санъати янгиликларидан хабардор этиш, соҳада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Ушбу тадбир доирасида юртимиз ҳамда Россия, Украина, Исроил, Греция, Италия каби мамлакатларнинг театр ижодкорлари ҳамкорлигида спектакллар, театр расомлари кўргазмаси, концерт ва мусиқа кечалари бўлиб ўтди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг ижодий жамоаси ҳамда италиялик дирижёр Маурисио Чампи иштирокидаги «Италиянинг юлдузли осмони» мавзусидаги гала-концерт, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда Россия, Греция, Франция, Швейцария санъаткорлари иштирокида сахналаштилган Ж. Мольернинг «Тартюф» асарини шулар жумласидандир. Фестивалда Ўзбек миллий академик драма театрининг «Аёлу» спектакли, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг «Хонима хоним» спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Фестиваль Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда исроиллик театр ижодкорлари ҳамкорлигида сахналаштилган «Сехрландан тикувчи» спектакли билан бошланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



МЕНИНГ ҚИЗИМ ЧЕМПИОН, СИЗНИКИ-ЧИ!?

Машхур алломаларимизнинг болалик йиллари ҳақидаги ҳикоятларни ўқиганимизда, уларнинг ёшлиги ҳам кўп ҳолларда ўқиш билан ўтганини кузатиш мумкин. Масалан, машхур муҳаддис олим Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ҳақида ёзма манбаларда ул зотни оналари тўрт ёшиданок эрта тонгда ўйғотишга мажбур қилгани ва болани ўқиб-ўрганишга ундагани ҳақида ажойиб тарзда ҳикоя қилинган. Умуман, дунё миқёсида ҳам шундай: билим олиш, хунар ўргатишда болаларига қаттиққўллик қилган оналар ҳақида кўп эшитганмиз. Ва бундай хайрли саъй-ҳаракатларнинг самарасиз кетмаганлигини уларнинг ибратли ҳаёти шу пайтга қадар катта қизиқиш ва ҳавас билан ўрганиб келинишидан ҳам билса бўлади.

Ҳўш, болани маълум бир соҳага, билим, хунар, спортга мажбурий равишда жалб этиш керакми ёки уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш лозиммикан? Бу — азалӣ баҳс таллаб мавзу. Сабаби, аксарият руҳшунослар боланинг қизиқишига қарши

бор эди.

Тамара опанинг нияти — ижобат бўлди. Қизи — Ситора Шайдуллаева, кўз тегмасин, соғлом ўсди. Яна бунинг устига Ситорани бугун самарқандликлар анча таниб қолишган ҳам. Ҳозирги кунда 17 ёшли Ситора халқаро I ДАН қора белбоғ соҳибаси, Евроосиё чемпиони, республика миқёсидаги «Малика Тўмарис» танловини ғолибаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси...

Хуллас, бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Ситора билан суҳбатлашганимизда онасининг талабчанлиги, спорт тўғрисидаги қўлидан етаклаб олиб борганидан норозилик эмас, балки бундан миннатдорлик ҳиссини сезиш қийинмас.

Ҳа, бугун катта мусобақаларда яхши ўринларни эгаллаётган қизлар орасида самарқандликлар ҳам талайгина. Масалан, биргина ўтган йил давомида вилоятимиздан спортнинг 20 дан зиёд турлари бўйича 70 нафарга яқин спортчилар Осие, Марказий Осие, Жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон байрогини баланд кўтариб келишган. Бу спортчиларнинг 15 нафарини

дийи гимнастика, спорт гимнастикаси билан шуғулланади, — дейди Булунғур тумани Янгиобод маҳалласида жойлашган 13-мактабгача таълим муассасаси мудираси Роҳатой Ахророва. — Болажонлар гимнастика бўйича мураббийлари — Раҳима Йўлдошевага анча кўникиб қолишган. Ҳозирда улар туман миқёсидаги қатор тadbирларда фаол иштирок этишмоқда. Умид қиламанки, келажакда улар орасидан чемпионлар ҳам етишиб чиқади.

Ана шундай ёруғ умид билан юрган ота-оналар ҳам кўп ораимизда. Аммо чемпион бўлиш бир томон, фарзанднинг соғлом бўлиб вояга етиши яна бир томон.

— Спорт билан шуғулланаётган болаларни ота-оналари биз, шифокорларга кўрсатиш учун камроқ олиб келади, — дейди Самарқанд шаҳридаги 5-сон болалар поликлиникаси шифокори Л. Кочнева. — Сабаби, жуда кўп хасталикларнинг келиб чиқиши камҳаракатликдандир. Кўпинча оналар фарзандларининг иштаҳаси йўқлиги ёки тез-тез асабийлашиши қабилардан шикоят қилиб келишади. Айниқса, мактабга энди қатнайдиغان болаларда бу кўп учрайди.

Шундай пайтда ҳам уларнинг маълум бир қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тўғрақларга бериш ёки бирон спорт тури билан шуғулланишига имкон яратиши ижобий натижаларни беради.

Демак, спорт билан жиддий шуғулланиб, чемпионликка эришолмай қолган тақдирда ҳам жисмоний тарбиянинг фойдаси нақадар катталигини мутахассислар фикридан ҳам билса бўлади. Дарвоқе, спортнинг афзал жиҳатлари ҳақида гап кетганда яна бир фикрни айтмасдан илож йўқ.

Кузатувлардан маълум бўлишича, хориждаги суд органларига музоахаллар таҳлил қилинганда уларнинг орасидан энг мантқиқсизлари танлаб олинди, омма эътиборига ҳавола этилибди. Шундай суд даъволаридан бирида 18 ёшли йигит ҳаддан ташқари семириб кетишида телевидениени айблаб судга берган экан. Унинг айтишича, телевидение орқали уззукун қизиқарли томошалар бериб борилиши унинг ҳаракат қилмасдан телевизор қарши-сига «михланиб» қолишига сабабчи бўлган эмиш. Албатта, аризачилнинг бу даъвоси қаноатлантирилмаган ва мантқиқсиз деб топилган. Гарчи бу мисол биз сўз юритаётган мавзуга алоқаси йўқдай туюлса-да, аммо бугун кўпчилигимиз учун муаммо айланаётган компьютер ўйинлари, телефондаги турли «машмашалар»у, телесериалларга ҳаддан ортик берилиши каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳам спортнинг ўрни катталиги ўз-ўзиндан маълум. Шундай экан, биз оилавий спорт тарafdоримиз, деган фикрни ҳаммамиз учун шiorга айланиши фарзандларимиз соғлом бўлишидан ташқари вақтларини турли бемақсад машгуллардан ҳам ҳимоя қилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ, десак муболага бўлмайди.

Гулрух МҮМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири,
Самарқанд вилояти.

ТҮЙЛАРИМИЗ — ҲЙЛАРИМИЗ

Ёши улуг инсонлар дуога қўл очиб: «Топган-тутганинг тўйга буюрсин, бошинг тўйдан чиқмасин», дея дуо қилишда ўзгача бир ҳикмат бор. Тўйлардан асосий мақсад оиладаги энг аҳамиятли, элу-халқ билиши лозим бўлган хушхабарни яқин қариндош-уруғ ва кўни-кўшнилари билан бир дастурхон атрофида баҳам кўришдир. Афсуски, кийинги йилларда ҳаётимиз фаровонлашиб боргани сари тўйларимиздаги анъана ва урф-одатларимизнинг бирмунча янгилаш тус олиши ёки шу баҳонада кибр-ҳаво, манманликка берилиши, ким ўзарга исрофгарчиликка ружу қўйиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Асрлар давомида элимиз ардоқлаган камсуқумлик, хокисорлик, камтаринлик каби фазилатлар, нафс дарёсида ғарқ бўлаётгани, айрим кишилар гарчи қурби етмаса-да, қариндош-уруғидан қарз олиб, дабдабали тўй қилаётгани, оқибатда, қўллаб-нохушликлар, низолар рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда «сепли келин — эпли келин» накли ҳам ўз таъсирини йўқотгандек. Бошқа хонадонга борганда нотаниш муҳитга мослашиб кетиши учун тўйдан олдин қизини руҳан тайёрлаш ҳақида қайғуриш, бир умр кулогига зирак каби тақиб, қалбига муҳрлаб, ҳамиша амал қилиб юрилиши лозим бўлган ўғит ва насиҳатларни айтиш сингари жуда зарур ҳаётий одатларимиз унутилмоқда. Бунинг ўрнига номи чиққан кўзқиқиларни айтириб, қишда бўлса-да, ёздагидек дастурхонни нўз-неъматга тўлдириб, дабдабали тўй қилиш баҳонасида ўз мол-давлатини кўз-кўз этиш анъана тусига кириб бормоқда.

Халқимизда ўзига хос бир хусусият борки, қўшнимиз ҳолидан хабар олиб, «қувончи ва қайғули кунларимизни маҳалла билан баҳам кўрамиз. Лекин баъзан кимнинг тўйига қайси қўшиқчи айтилгани ва келин бўлиши қандай барпо билан келгани, тўйни қачирда, қандай ўтказилгани биз учун аҳамиятли ва қизиқроқ кўринади.

ҒАЙРИҲАЁТИЙ УДУМЛАР

Шу сабабми, маҳаллада дув-дув гап бўлсин дея, бор будимизни сарфлаб, кучимиз етса-етмаса, дабдабали тўйлар қиламиз, кибру ҳавога бериламиз. Ваҳоланки, Абу Хомид Ғазолий айтганларидек, «Кибру ҳаво фазилатларни йўқ қилади, разолатларни етаклаб келади, кишининг насиҳат тинглашига ва одоб ўрганишига монелик қилади, бу — сенинг разиллашишиг учун кифодир».

Зеро, баъзи замондошларимизнинг ана шундан, манманликка берилиши эзгу ишлар қилишига монелик этаётгани, ўзи ва ўзгаларга фақат зарар келтираётгани, бугун ҳаётимизда рўй бераётган салбий ҳолатларда ўз исботини топмоқда. Энг ачинарлиси, янги барпо бўлган оиланинг обрўси ва қадр-қиймати тўйнинг ҳашамю икки томон қилган мебеллар ва зебу-зийнатлари билан ўлча-напта. Натижада, айрим оилалар кумга қурилган бино каби тезда барпо бўлмоқда.

Халқимиз тўй ва маросимларга боғлиқ барча удумларни оиланинг бахти ва фаровонлиги учун хизмат қилсин деган ниятда ўтказди. Масалан, Андижон вилоятида «Киз йўқлов» удуми мавжуд бўлиб, ота-онаси янги хонадонга тушган қизи қийналмаслиги учун узоғи билан бир ҳафта мобайнида ўзи пиширган овқатлардан ёки фарзанди ёқтирган таомлардан юбориб турган. Яъни, келин бошқа муҳитга тушиб, мослашиб олгунга қадар унга гамхўрлик кўрсатилган. Бугунги кунга келиб, бу одат шунчалик дабдаба тусини олганки, бутунлай ўз шакли ва мазмун-муҳитини йўқотган. Ҳозир кун ёки бир ҳафта эмас, нақ қирқ кунгача қиз ўйдан куёвниқига турли тансиқ таомлар юбориб турилади, ҳатто жўнатилган овқатнинг идиш-товоғи ҳам қайтарилмайди. Энг ажабланирлиси, не машаққатлар билан тайёрланиб, тонг саҳар юбориладиган «қиз йўқлов»ни куёв томон ҳеч қандай эътиросиз қабул қилади. Ахир, ўзимизни ўзимиз қийнапмиз-ку! Қудачилик — минг йилчилик, қудалар бошидан бир-бирларини аягани маъқул эмасми? Оилавий ҳаётининг илк кунларидаёқ қайнона-қайноганинг боқувида бўлиб, буни оддий ҳол деб қабул қилиш куёвларимиз шаънига тўғри келармикан? Бундай ғайриҳаётий удумлар эндигина шаклланаётган қудачилик муносабатларини мустаҳкамламай, балки дарз кетказётгани сир эмас. Энг ачинарлиси, ўйлаб топилган урф-одатлар фарзандларимизга ҳам мерос бўлиб ўтиб бораётгани кишини ташвишга солади. Дабдабали, серҳашам тўй ва маросимларга ружу қўймай, шунча маблағни келажак авлоднинг илму хунар эгаллаши учун сарфласак, минг марта яхши эмасми? Уйимиз тўридаги жавонларимизни беэза турган чинни буюмлар ўрнини маърифатга, эзгуликка етакловчи китоблар тўлдирса, фарзандларимиз қалбида молу дунёга ҳавас эмас, она табиятга, инсонларга меҳр-оқибат тўйгуларини уйғотсақ, нур устига нур бўлади. Зеро, ота-она болаларига яхши одоб-ахлоқдан ортик мерос бера олмайди, дейлади муқаддас китобларимизда.



БАРКАМОЛ АҒЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ



ўлароқ, уларни маълум маънода, масалан, ота-она истаган касбга ўргатишга уриниши бекфойда эканини кўп бора таъкидлашади. Лекин бу борада индивидуал ёндашиш деган қондан ҳам унутмаслик керак. Келинг, яхшиси, бундай тажрибани ўз бошидан кечирганларнинг сўзларига эътибор қаратайлик.

— Фарзандим тўрт ёшидан бошлаб рақс тўғрагига қатнаган, — дейди Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Тамара Фафурова. — Кейинчалик уни спортга, ёши улгайгани сари яна бошқа тўғрақларга жалб этишга интилганман. Тўғри, боланинг қизиқишига қараб шуғуллантириш керак, деган фикр мавжуд. Майли, бола расм чиза олса, яхши қўшиқ айтса, рақс ташса у бу нарсаларни дарҳол англаши ва шунга мос тарзда йўналишини аниқлаш мумкин. Лекин бола қайси спорт турига қизиқсади, бунини ҳали кичиклигидек бирдан англашини иложи бормикан? Бу саволга жавоб топишдан кўра, қизимни ўзимизга яқин спорт тўғрагига беришга интилиб кўрдим. Натижа ёмон бўлмади, қизим спорт билан жиддий шуғуллана бошлади. Қолаверса, касбим шифокор бўлгани учун болом спорт билан шуғулланса, соғлом бўлади, деган илминим

хотин-қизлар ташкил этгани эса кўнгилни ғурурга тўлдирди.


— Спорт билан шуғулланиш учун энг чекка қишлоқларда ҳам барча шарт-шароитлар яратилиши кўзда тутилган, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбарининг ўринбосари Карим Эшнӣёзов. — Айниқса, қизларнинг спорт билан машғуллиги учун шароит, мураббий аёлларга яратилган имтиёзлар аҳамиятли бўлди. Бугунга келиб вилоятимиз миқёсида спорт билан машғул бўлувчилар 278 минг 537 нафарни ташкил этса, шундан 88 минг нафардан зиёдини, яъни 37 фоизини қизлар ташкил қилади.

Табиики, спорт билан шуғулланаётган қизларнинг ортиси мураббий аёлларнинг сонига ҳам бевосита боғлиқ. Ҳозирда вилоятимизда 5668 нафар ўқитувчи ва мураббий фаолият юритаётган бўлса, шундан 858 нафари хотин-қизлар. Уларнинг 154 нафари мураббий, 696 нафари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ҳисобланади.

Айниқса, боғча ёшидаги болаларда ҳам шу ёшга мос спорт турлари билан шуғулланиш учун шароитлар яратилаётгани ота-оналар учун айна мудабо бўлди.

— Боғчамизга 75 нафар бола қатнаса, шундан 20 нафари ба-

Одина ОТАЖОНОВА,
«Оила» илмий-амалий маркази
катта илмий ходими, психологика фанлар номзоди.



BOLALAR DUNYOSI


«YOSH AKADEMIK»

Madinaxon Zokirova Yunusobod tumanidagi 98-umumta'lim maktabining 9-«A» sinf o'quvchisi. U tarix faniga juda qiziqadi. «Buxoro me'moriy yodgorliklari» mavzusidagi ilmiy ishi uchun Toshkent shahar xalq ta'limi bosh boshqarmasi tashkil etgan «Yosh akademiklar maktabi»ning maxsus diplomi bilan taqdirlangan.

— Tengdoshlaringizning ko'pchiligi she'r, hikoya yozishga, rasm chizishga qiziqadi. Sizning tarix fanidan izlanish olib borishingizga nima turtki bo'ldi?

— Bolaligimda oyim bilan dadam bizni turli shaharlarga sayohatga olib borishardi. Aniq esimda, sakkiz yoshimda Buxoro shahriga borgandik. O'shanda qadimiy binolar menga xuddi ertaklardagidek ajabtovur tuyulgan. Ulg'ayganim sayin Buxoroga bo'lgan qiziqishim ortib boraverdi. Turli kitoblar, internet saytlari orqali ko'hna

shahar haqida ko'p ma'lumotlarga ega bo'ldim. Har bir binoning qurilish uslubi, bezaklari, qaysi ustalar tomonidan qurilganini, nima uchun xizmat qilgani o'rgangim keldi. Bu savollar ustida



qancha-qancha olim-u fuzalolar ilmiy izlanish olib borishgan. Ularning yozganlarini o'qib, o'zim ham kuzatib, bu

✓ O'RNAK OLING!

yo'lda ozroq bo'lsa-da hissamni qo'shishga bel bog'ladim. Buxoro va Samarqand obidalarini o'zaro solishtirib ko'rdim. Masalan, Buxoro uslubida g'ishtlarning o'ziga shakl berib, Samarqand uslubida esa asosan rangli koshin bilan bezatiladi.

— Manbalar topishda sizga ko'proq kimlar yordam beradi?

— Tarix sirlarini o'rgatayotgan ustozlarim Ma'mura Karimova hamda Go'zalxon Asqarova kerakli ma'lumotlarni yig'ishimda ko'mak berishadi. Ularning yordamida «Islom dini tarixi va uning o'lkamizga kirib kelishi» mavzusida izlanishni boshladim. Hozir manbalar yig'ish bilan bandman. Orzuyim — jurnalist bo'lish. Bu soha egalari kuchli bilim va tajribaga ega bo'lishlari kerak. Men shunga intilyapman.



✓ QO'NG'IROQCHA

TOG'LAR

Tog'lar ajib bir ro'yo, Xuddi ulkan toshdaydir, Terib qo'yilgan go'yo, Chamasi, ming yoshdadir.

Davodir suvlari ham, Havosidir musaffo, Tabiat chiroyli biram. Tengi yo'g, u bebaho, Tog'lar ajib bir ro'yo.



Sarvinaz TOJIYEVA, O'zbekiston Milliy universiteti qoshidagi Sobir Rahimov akademik litseyi I-bosqich o'quvchisi.



KUZ

Mana, keldi kuz fasli, Yozning ukasi, asli.

Doira chaldi osmon, Gumburlaydi har tomon.

Bulutlar ko'z yosh to'kdi, Mevalar suvga bo'kdi.

Dehqonlar qilar maza, Yomg'ir havosi toza...

Bobur HAMROYEV, Toshkent shahridagi 206-maktabning 7-«B» sinf o'quvchisi.

EKRAN ICHIDAGI BOLA

Zafarjon ismli bola bor ekan. U yangi narsalar olishni, to'g'riroq'ni, ota-onasiga oldirishni yaxshi ko'rarkan. Oyisi bilan dadasiga: «Bozordan o'ziyurar mashina olib bering, ishdan qaytishda pulitli somalyot olib keling. Bo'lmasa maktabga bormayman!» deyaverarkan. Zafarjonning singlisi Umida ham injiqiq'ni erkato'ylikda akasidan qolishmaskan. Kalitli qo'g'irchoqlar, zaryadli o'yinchoqlar sovg'a qilib turishmasa, bog'chaga borishdan bosh tortarkan. Dadasi bilan oyisi ularga «Zafarjon, kompyuterga yopishavermay darslaringni tayyorla», «Umida, qo'g'irchoqlaringni har yerga sochib tashlama», deyaverib charchab ketishibdi. Oxiri, hafsalalari pir bo'lib, indamay qo'yishibdi.

Bir kuni Zafarjon kompyuter o'ynashga juda ham berilib ketibdi. Tun kirib, uydagilar uxlashga yotsa ham, o'yindan bosh ko'tarmasmish. Kompyuterdan chiqayotgan otishma ovozlari, hayvonlarning tovushidan qo'rqqan Umida uxlay olmabdi:


— Hozir bas qilmasang, oyimni chaqiraman, qulog'ingni cho'zib qo'yadi! — debdi u akasiga.

— Chaqimchilik qilsang, seni kompyuter ichiga qamab qo'yaman! — uni qo'rqitmoqchi bo'libdi Zafarjon.

Umida akasiga quloq solmay eshik tomon yuribdi, Zafarjon esa uni tortqilay boshlabdi. Qattiqroq itarib yuborgan ekan, Umida «lo'p» etib kompyuter ichiga kirib ketibdi. Zafarjon ekranda jimjilg' day bo'lib turgan, miltiq ko'targan odamchalar orasida dovdirab qolgan singlisini ko'rib, juda qo'rqib ketibdi. «Voy, endi oyimlarga nima deyman?» deya qichqiribdi va o'zini kompyuterga otibdi. Hash-pash deguncha Zafarjon ham ekran ichiga tushib qolibdi. Atrofga alanglasa, singlisi yo'q emish. «Umida, Umida!» deb chaqira boshlagan ekan, uning ovozi ni eshitgan miltiqli odamchalar nishonga olib o'q yog'dirishga tushibdi. Bolakay boshi

oqqan tomonga qochibdi. Qalin o'rmon ichida yugurib ketayotganida turli qo'rqinchli hayvonlar uni rosa ta'qib qilibdi. Birdan oldidan bahaybat og'zini ochib dinozavr chiqib qolibdi deng! Zafarjon qo'rqqanidan yig'lab yuboribdi. Qochay desa dadasi bilan oyisiga janjal qilib oldirgan o'yinchoqlari yo'lini tog' bo'lib to'sibdi. Dinovazrga yem bo'lgandan ko'ra hu anavi jardan qulab o'lganini yaxshi, deb bir sakragan ekan... o'zini xonasida

✓ ERTAK



ko'ribdi. Esini yig'ib qarasa, Umida karavotida pishillab uxlab yotganmish. Zafarjon hanuz yoniq turgan kompyuterini ko'rib, boyagina boshidan kechirgan dahshatlarini eslabdi va o'ziga o'zi so'z beribdi:

— Endi kompyuterga yopishib olmayman, singlimni urmayman, dadam bilan oyimni xafa qilmayman. Umida ham mendan o'rnak olib, aqlli qiz bo'ladi, — deya hamma narsasini joy-joyiga yig'ishtirib qo'yib, singlisining o'yinchoqlarini ham tartibga keltirib, kompyuterini o'chiribdi-da, uyquga ketibdi.

Iroda UMAROVA

MAQOLLAR

Aql bozorda sotilmas.

Tilni bilish — dilni bilishga yo'l ochar.

TOPISHMOQLAR

Aziz bolajonlar! Quyidagi topishmoqlarga javob topsangiz, bizga maktub yozing yoki qo'ng'iroq qiling. Eng to'g'ri javobni yo'llagan bolajonlarning ism-sharifini (surati bilan) gazetada e'lon qilamiz. Tengdoshlaringizdan ortda qolmaslikka shoshiling!

Qaysi joyda daryolar suvsiz, Shaharlar uysiz bo'ladi?

Nimaning besh barmog'i bor-u, Lekin birorta ham tirnog'i yo'q.

Yumuq ko'z bilan nimani ko'rish mumkin?

Qaysi so'roqqa hech qachon «ha» deb javob berish mumkin emas?

Yomg'ir yog'ib turganda, qarg'a qanday daraxtga qo'nadi?



«O'g'ri tulki».

Nurmuhammad Shamsiyev, Bulung'ur tumanidagi 2-maktabning 3-sinf o'quvchisi.

«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратди.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзиде лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари мужассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультратрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуктали уқалаш, нина санчи даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-ўй.

Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

«ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуктали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалиёт).

Каштачилик — 3 ой (машиқада ёшишқа).

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел.: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Ҳурматли Алишер Ҳайдарович!

Таваллуд топган кунингиз билан қўтлаймиз. Сизга оилавий хотиржамлик, сийҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларингизга омад тилаймиз. Ҳамкасбларингиз номидан

Ҳакима Давронова,
Новий шаҳар маданият ва спорт бўлими.

Джабборов Раҳимжон Равшановичга Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан берилган ARR 19-002463 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Бозоров Ўринбой Бозорович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хошимова Марҳабо Соатовна номига берилган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/1 кўчаси 27-уй 62-хонадон «уй режаси» №05-02/30083 йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаббати кундалик энг оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан, энг гўзал мўъжизадир.

Ф. МАРИАК

Оилани бузишга мўлжалланган ҳар қандай ижтимоий назариялар яроқсиз, шу билан бирга, номақбулди. Оила — жамиятнинг дуру гавҳари.

В. ГЮГО

Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Олпқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепушглик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тумхумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гипертония, лямблялар ариб, теридидаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетали;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумувул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



РАХИТ БЕЛГИСИ НИМА?

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

— Биринчи фарзандим тугилмасидан олдин, иккинчиси беш ойлик ҳомила вақтида нобуд бўлди. Шифокор хондистрофия деб ташхис қўйди. Цитомегаловирус касаллик кўзгатган экан. Текширувидан ўтганимизда хўжайинимда 2 та, менда 3 та TORЧ инфекция аниқланди. Бу ҳомилага салбий таъсир қиладими?

Алфия МАХМАШУКУРОВА,
Қарши, 20 ёш

— Ҳомиланинг нобуд бўлишига сабаб сизда аниқланган цитомегаловирус ва TORЧ инфекцияларидир. Бу касалликлар ҳомилага вақт ўтгани сайин салбий таъсир қилади. Муаммонинг олдини олиш учун турмуш ўртоғингиз билан бир вақтда даволанинг. Агар бу тавсияга риоя қилинмаса, бирингиз иккинчигизга касалликни юқтиришингиз мумкин.

Хондистрофиядан тўла даволанишингиз мумкин. Фақат организмнинг дақиқ касалликларга беварқ бўлмай, муолажада шифокорга ёрдам беришингиз керак.

Маҳмуда ИМОМҚУЛОВА, гинеколог

— Турмуш ўртоғим 45 ёшда, бир йилдан бери мазаси йўқ. Шифокорлар буйрак поликистозидеб ташхис қўйди. Ҳар икки буйрак касалланган экан. Вилоят марказидаги мутахассислар Тошкентга боришни маслаҳат беришди. Қерда даволанишимиз мумкин?

Ҳолида ИСАНОВА,
Сурхондарё

— Вилоятдан келган беморлар Тиббиёт академиясидаги нефрология маркази ва унинг нефрология бўлимида даволаниши мумкин. Агар киста йиринглаб, беморнинг ҳарорати кўтарилса, оғриқ безовта қилса, касаллик урологик муолажани талаб қилади. Беморнинг ҳарорати бўлмай, оғриқдан шикоят қилмаса, нефролог шифокорга мурожаат этинг. Тошкент шаҳар Нефрология марказида ҳам текширувдан ўтиб, бемор ҳолатини аниқлашингиз мумкин.

Собит АЗИЗОВ,

Тошкент шаҳар нефрология маркази нефрологи

— Ёшим 51 да. Ишга кетаётиб тўсатдан ўнг курагим ости ва ўпка оралигида нимадир узилгандек бўлди. Кейин кун билан ўнг соним ва кўлим оғриди. Ҳозир фақат елкам оғриятти. Бунинг сабаби нима?

Рустам,
Тошкент

— Бу белгилар кўкрак умуртқаси остеохондрозидеб учрайди. Бунда қовурга орасидаги нерв қисилиб, ток ургандек бўлади. Компьютер томографияси ёки рентген қўлишда туз йиғилиши, тўқималарда модда алмашинуви бузилиши яққол кўзга ташланади. Шунингдек, оғриқ қовургалар орасидаги нерв шамоллашдан пайдо бўлиши мумкин. Бунда елка ва қовургаларда, нафас олишда оғриқ пайдо бўлади. Герпес каби вируслар ва шамоллаш (невралгия)ни келтириб чиқарувчи асосий омилдир.

Омон ҲУЛОМОВ,
невропатолог

— Ёшим 35 да. Олти ойлик фарзандим бор. Аввалги икки фарзандимнинг тиши 1 ёшдан кейин чиққан. Бу рахит белгиси экан. Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

Дилбар ҚУРБОНОВА

— Рахитнинг олдини олишда кальций препарати ва витамин Д ишлатилади. Лекин куёш нурлари етарли бўлган ёз ойларида бу препаратлар тавсия этилмайди. Яхшиши, профилактикани кузда бошланг. Қўшимча овқатларни ҳам ҳозир бермаган маъқул. Чунки бу ич кетишини кучайтириб, витамин етишмовчилиги, яъни рахитга олиб келиши мумкин.

— Иккинчи саволим: кенжа фарзандимни учинчи эмлашга олиб борганимда дўхтир "Бошдаги ликилдоқнинг битиши тез кечяпти", деди. Бу хавфлими?

— Бу ҳомиланинг нотўғри ривожланишидан келиб чиққан. Албатта, бу жараённинг муддатидан аввал юз бериши яхши эмас: ликилдоқнинг ёпилиши мия босимини оширади, бола йиғлоки, хаво ўзгарганда, магнит бўрони юз берган кунларда безовта бўлади. Ликилдоқнинг битиши тезлашмаслиги учун кальций препаратини бермаслик керак.

Тиббиёт фанлари номзоди,
педиатр Дилфуза ТУРДИЕВА.

ART WEEK — 2010

Style.uz лойиҳасига уч кун қолди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бир ҳафта давом этадиган Style.uz — 2010 доирасидаги тадбирларда ўзбекистонлик дизайнерлар ва хорижий мода уйларининг либослари намойиши, Миллий либослар фестивали, Underground ёш дизайнерлар намойиши, кўкрак беги саратонига қарши акция, «Meros» Ўзбекистон антикварлар уюшмасининг анжумани ва археологик кўрғазма, «Вақт белгилари» замонавий санъат кўрғазмасининг очилиши, Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, «Theatre.uz» театр фестивали, гала-концерт ва бошқа турли тақдимотлар ҳам ўрин олган. Ҳафталик Ёшлар ижод саройида Халқаро Фотобиеналенинг очилиши билан бошланади. Шундан сўнгра хорижий расом ва усталарнинг махсус кўрғазмалар тақдимотлари бўлиб ўтади. Бундан ташқари дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли расом, дизайнер ва бошқа ижодкорларнинг маҳорат дарсларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Энг қувонарлиси, ушбу нуфузли тадбир иштирокчилари орасида бизнинг юрдошларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улардан айримларини суҳбатга чорладик.

Наргиза БОТИРОВА, дизайнер:

— Style.Uz — ҳеч муболағасиз айтиш керакки, бу биз учун жуда катта имконият майдони эканлиги билан аҳамиятлидир. У айниқса, миллий услубда тайёрлаган либосларимиз, бетакрор услубларимизни янада ёрқинроқ акс эттириб беришимиз учун уюштирилган йирик тадбир ҳисобланади. Шу кунлари биз ўз соҳасининг энг машҳур ва моҳир усталари билан танишамиз. Бир-биримизнинг яратган либосларимизни баҳолаб, фикр алмашамиз. Мафту-



кор моделлар, юксак мода санъати намуналари, унутилмас учрашувларга гувоҳ бўламиз.

Дизайнерлик менинг энг сеvimли касбим. Авлодимиз анъанасини давом эттираётганим менга янада жиддий масъулият юклайди. Чунки бўвим ҳам моҳир тикувчи бўлганлар, кейин онам ҳам шу касбни давом эттирдилар. Менинг эса ақлимни таниганимдан буён қўлимдан игна тушмайди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда тикувчилик, каштачилик, зардўзчилик тўғрақларига қатнай бошлаганман. Турли хил танловларда иштирок этиб, кўп бора ғолиб бўлдим. 9-синфни битиргач, Республика рассомчилик коллежининг «Тарихий либослар» факультетига ўқишга кирдим. Ундан кейин эса Тошкент тўқимачилик ва энгил санъат институтида таҳсил олиб, бу даргоҳда ҳам дизайнерлик сир-асрорларини ўргана бошладим. Таълим олиш жараёнида 2006 йили Style.Uzda ўз эскизларим билан қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлдим. 2009 йилда эса «Болажонлар ширинтойлар» кўрғазмасида «Бойсун чечаги» деб номланган либослар тўплами билан қатнашиб, муваффақият қозондим. Мана бугун эса «Style.Uz»нинг навбат-дагисига» деб номланган коллекция билан қатнашиб ниятидаман. Бунда 2 та аёллар ва 5 та эркаклар либосларига кашта асосида безак бердим. Аёллар эгнидаги кашта гуллари билан безатилган кийимларни кўп бора кўрганамиз. Лекин мен эртанги лойиҳа давомида барча томошабинларга эркаклар костюмига ҳам кашта тикиш мумкинлигини, унинг нақадар бежирим кўринишини намойиш этмоқчиман.

Нилуфар АҲМЕДОВА, дизайнер:
— Мен бир неча йиллардан буён

✓ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

республика миқёсида Фонд Форум ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро кўрик-танловларда ҳаваскор дизайнер сифатида узлуқсиз қатнашиб келаяпман. Тайёрлаган барча коллекцияларимни «NILUF» деб номлаганман. Барча ташкил этилган мода кўриклари мен учун жуда қадрли, масъулиятли ва мароқлидир. Чунки бу ижод, ғоя, гўзаллик, услуб жиҳатидан бир-бирдан қолишмайдиган кўрғазмалардир. Шунга таъкидлаб ўтиш жоизки, бу тадбир ҳамма ёш дизайнерлар учун ўз маҳоратларини кўрсатиш борасида аjoyиб имтиҳон вазифасини ҳам ўтайди. Масалан: Style.Uz 2008 ни эслайлик, Самарқанддаги Регистон майдонида ўтказилган миллий либослар фестивалида ўз коллекциям билан қатнашиб, бир дунё ниятлар билан қайтганим. Бу галги Style.Uz 2010 га бағишлаб тайёрлаган тўпламим ўзбек миллий матоларидан иборат бўлиб, ўзбек адрасини яна бир бор саҳнага олиб чиқишга қарор қилдим. Коллекциям 7 та либос ва энгил пальтолардан иборат бўлиб, кулранг-да ижро этилди. Бу рангни куз фаслини назарда тутган ҳолда ишлатдим. Асосий мақсадим, бу миллийликни йўқотмасдан либосларни янги талқинда мухлисларга етказиб беришдир.

Либосларда миллийликни намоеён этиш учун тасаввур ва қобилият кенг қиррали бўлиши лозим. Сабаби, халқчилликни ўзликини англашнинг бир жиҳати деб билсак, қобилият эса уни яратиш учун берилган катта имкониятдир. Фикримча, иқтидор қанчалик кучли бўлса, у шунча ўзига хосликни намоеён қила олади. Доимо янгиликка интилиш, ўз маҳоратимизни ошириб бориш, буларнинг ҳаммаси ўз қўлимизда. Мен шундай либослар яратиш ниятидаманки, насиб этса, уларни кўрган ҳар қандай миллат ва элат вакили ҳайратга тушсин!

«Оила ва жамият» мухбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА тайёрлади.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

МУКОФОТНИНГ БУ ЙИЛГИ ИЛК СОҲИБИ

Нихоят Нобель мукофотининг бу йилги илк соҳиб эълон қилинди. Бунга тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришган доктор Роберт Эдвардс муносиб кўрилди.

Стокгольм Қироллик институти ҳузуридаги Нобель мукофоти кўмитаси 84 яшар энгил олимини инвитрофертилизация методи бўйича қилган излаишлари учун тақдирлашга қарор қилишди. Роберт Эдвардснинг илмий иши миллионлаб тирноққа зор оилаларга бахт улашиши мумкин. Айнан у гинеколог Патрик Стептоу билан бирга дунёдаги илк сунъий уруғлантириш марказини очганди. Ҳозирда ҳар 100 боладан 1-2 нафари шу йул билан тугилмоқда. Бугунги кунда сайёраимизда 4 млн. «пробирка болалари» ҳаёт кечираёттир.

Яқин кунларда мукофотнинг бошқа йўналишлардаги соҳиблари ҳам эълон қилинади.

Совриндорларга медал, диплом ва пул мукофоти берилади. Унинг бу йилги миқдори 10 млн крон, яъни қарийб 1 млн. долларни ташкил этади.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Хитой жанубидаги Фужиян вилоятида юздан ошган кишилар сони ўтган йилгига қараганда 36 нафарга кўпайган.

Хитойнинг расмий ахборот агентлиги хабарига кўра, вилоятда бугунги кунда юздан ошган 1180

қария яшамоқда. Уларнинг 929 нафари аёллар, эркаклар эса атиги 201 нафаргина. Маълум бўлишича, Фужияннинг ҳар 100 000 аҳолисида 3,37 нафари бир асрдан ортқ умр кечиради. Бу вилоят қариялари орасида бугун 110 ёшдан ошган 6 киши ҳам бор.



ОҒЗИГА КУЧИ ЕТМАГАН СИЁСАТДОН

Амстердам округ суди Озодлик партияси етакчиси, ўзининг ғайриисломий кайфияти билан «машҳур» бўлган Герт Вилдерсони маҳкамага тортиди.

Давлат прокуратураси уни муслмонларнинг диний эътиқодини ҳақоратлаш ва европалик бўлмаган иммигрантларга нафрат билан муомала қилишда айблади. Сиёсатдоннинг 2006 йил мартдан 2008 йилгача эълон қилинган ёзма ва оғзаки нутқлари шунга асос бўлган.

Вилдерснинг нуктаи назарича, сўз эркинлиги принципи унга ўз қарашларини бемалол маълум қилиш ҳуқуқини беради. Аммо Озодлик партияси етакчисига ҳар икки масалада билдирган фикрлари сиёсий баҳдан ташқари экани ва бунинг учун у маҳкама олдида жавоб бериши лозимлигини уқтиришди. Судда гувоҳлар кўрғазмаси тингланмади. Герт Вилдерс нутқларини ўрганган уч эксперт хулосаси ёзма равишда олдиндан тақдим этилганди. Ҳўкм чиқариш кейинги ойда қолдирилди. «Озодлик шунқори» 16 ойгача қамоқ жазоси ва катта миқдордаги жарима билан «сийланиши» мумкин.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

ТОЗА ВА ТЕЖАМКОР ОИЛА

Бундай номга америкалик Жон ва Шерон Коудилар оиласи сазовор бўлган. Улар қарийб 40 йилдирки, чиқиндиларсиз турмуш кечирашмоқда.

— Бугунги кундаги экологик муаммоларнинг асосий сабаби одамларнинг ҳаддан зиёд чиқиндиларнинг табиатга сочаётганликлари, — дейди куйиниб Шерон Коуди. — Бизнинг оиламизда эса, «Чиқиндиларга йўл йўқ!» деган шior устувор.

Дарҳақиқат, Коудилар оиласида ҳар қандай чиқиндига хом-ашё сифатида ўрин топилади. Масалан, кўрпа-тушаклари ичидан пахта ёки пар эмас, балки кўп йиллар давомида йиғилган соч толалари ўрин олган. Озиқ-овқат чиқитлари эса уй эгаси томонидан махсус қайта ишлаш корхонасига юборилади. Егулик қолдиқларидан томорқа хўжалигида ўғит сифатида фойдаланилади.

Хуллас, бу иноқ оиланинг турмуш тарзи табиатни ҳимоя қилиш баробарида уларнинг оилавий бюджетига ҳам яхшигина даромад келтирмоқда.

МУШУККА МАКТУБ

АҚШнинг 42-президенти Билл Клинтон дастлаб Арканзас штатининг губернатори бўлганлигини биласиз.

Бир кун унинг Арканзасдаги кўшнисни кўчдан ҳали кўзи очилмаган мушукча топиб олади. 1991 йили Клинтон президентлик сайловида ғолиб чиққач, кўшниси ўша мушукни суюнчи тарикасида Хиллари Клинтонга совға қилади. Сокс лақабли бу ёқимтой мушукча бутун мамлакатда машҳур бўлиб кетади. Клинтонлар оиласи уни шунақа яхши кўришардики, ҳатто жонивор Оқ уй йўлакларидан бемалол сайр қилиб юрарди.

Сокснинг машҳурлиги энг юқори даражага чиққанида қизиқувчан одамлардан унинг номига тинимсиз мактублар ҳам келиб турган. Ҳатто, бир ҳафтада 75 мингта хат келган ҳолатлар ҳам бўлган экан. Мушукнинг ўз котиби бўлиб, у бирорта мактубни эътибордан четда қолдирмаган. Клинтонларнинг сеvimли мушукчаси 18 йил яшаб, 2009 йилнинг февралда саратон хасталиги ту-файли нобуд бўлган.

Наргиза СИДИҚОВА тайёрлади.

«Мен Мехрибонлик уйида катта бўлганман. У ерда ҳар куни онамни кутиб яшаганман. Уларга атаб суратлар чизганман.

Мустанкил ҳаётга қадам қўйгач, ўз туққан онамни излашга тушдим. Нима учун тақдирим бундай бўлганлиги, ота-онам нега мени ташлаб кетишганини билишга қизиқдим. Одам жаҳд қилган, излаган нарсага албатта эришадиган деган гап рост экан. Ўн йил мобайнида қанчадан-қанча эшикларга кириб чикдим, қанча идораларга бош уриб бордим, неча юзлаб одамлар билан рўбарў келдим. Охири... ниятимга етдим!

... Ҳозир онам билан учрашаман. Унга нима дейман? Юрагимни тўлдириб ётган дардларимни қандай айтсам экан? Мехр кўргизамани, маломат қиламанми? Онам нима дер экан? Ё, худо, бу қандай учрашув бўлади? Мана, белгиланган жойга ҳам етиб келаяпман. Бутун вужудим титрайпти. Юрагимнинг потирлаб уришини ўзим-ку ўзим, хатто атрофимдагилар ҳам эшитаётгандай туюлапти. Ана, узокдан бир аёл кўринди... Юрагим сезаяпти: шу менинг онам... Тушларимга кўп кирган онам...

Биз бир-биримизга узок термулиб қолдик. Мен қўлимдаги гулни онамга бердим. У киши тортиниб гулни олди-да, кейин... хўнграб йиғлаб юборди. Йўлак бўйидаги скамейкага чўкдик.

Биз ўша хиёбон, ўша ўтиргичда бир соатдан кўпроқ қолиб кетдик. Лекин... шу бир соат ичида бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз демасдик. Ишонмаяпсиз-а, аммо шундай ҳолатлар ҳам бўлар экан. Гоҳо онам менга хавотир билан қарайди, гоҳо мен унга дардли-дардли... Лекин бир оғиз ҳам сўз йўқ... Охири ўрнимиздан туриб, яна жимгина хайрлашдик. Онам бир тарафга, мен бошқа тарафга жимгина кетдик. Шу учрашувдан сўнг уч кун ўзимга келолмадим. Эрим ҳам, болаларим ҳам ҳайрон...

Ниҳоят, тўртинчи куни, неча йиллардан бери асраб юрган

бир халта хатларимни олдим-да, яна йўлга тушдим. Менинг болалик йилларимда, бўйга етар пайтларимда онамга ёзилган хатларим бу... Жўнатилмаган мактубларим... Эҳ-е, уларда

оламдан келаётган эди:

— Қизим!..

Онам мени қаттиқ бағрига босди. Биз бир муддат шундай ҳаяжонлар ичида туриб қолдик.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

секин, гўё тушириб юборса чилчил синиб кетадигандай, авайлабгина шафга солиб қўйди. Кейин ичкари уйга кириб кетди. Бироздан сўнг бир халтани кўтариб чиқди:

— Бу халтада эса қизим, сенга атаб тўқиган қўлқопларим ва пайпоқларим бор. Уларнинг ичида чақалоқлигиндан тортиб, бўйқиз бўлганингни довуз турли хил бичимлари бор. Болам, булар оддий қўлқоплар эмас, улар менинг йигирма етти йиллик кўз ёшларимни ўзида сақлаган қўлқоплар... Уларнинг ҳаммасини сенга атаб тўқиганман. Мен ҳам жўнатолмаганман... Нега деб менадан сўрама, қизим, илтимос...

Мен юзадаги битта чиройли қўлқопни қўлимга олдим. Бирдан ичимга илиқлик югурди, қўзларим яшнаб кетганини ўзим ҳам сезмай қолдим.

— Вуй, манави қўлқопнинг чиройлилигини... Ойи, бу набирангиз Фаридани лоппа-лойиқ келади. Қизимга кийдираман.

Онамнинг кўзида аввал табассум, кейин кўз ёшлар пайдо бўлди.

— Мен тўқиган қўлқоплар қизингга йигирма ёшигача етади. Қурасан, бичими ҳам тўғри келади. Юрагим алдамайди.

Буларнинг ҳаммаси энди Фаридани...

Шундай қилиб, ойимни уйимизга кўчириб келдим. Ёлғиз эканлар. Мен онамдан нега мени ташлаб кетганлигини, нима учун тақдиримиз бундай бўлганлигини сўрамадим... Ўзлари гап очганларида шартта тўхтатдим. «Қўйинг, ойи, ўтган ишга саловат, буёғи яхши бўлсин», деб гапиртирмадим. Биласизми, илгарилари нега шундай бўлганини билишни қанча хоҳлаган бўлсам, энди нега шундай бўлганини билмаслики шунча истайман! Гина-кудуратни меҳр билан бир тарозига қўйиб бўлмайди.

Энди эса, онам ҳам, мен ҳам қайта тугилгандаймиз...

Баҳор АЛМУРОВО

ЁШ ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТ


ШАМОЛЛАШДАН ҚЎРҚМАНГ

Куз фаслининг ҳозирги гоҳ иссиқ, гоҳ ёмғирли кунларида аксарият оналар болаларини қандай кийинтириш ҳақида ўйлаб қолишади. Ёки қишдан касал бўлмай чиксин, деган ниятда ҳар хил муолажалар бошлашади. Аслида соппа-соғ болага ҳеч қандай дори ичириш ёки мазь суртиш шарт эмас. Ундан кўра қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз ҳам ўзингизга, ҳам болангизга фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Болаларни кўпроқ тоза ҳавода бўлишини таъминланг. Чунки тўрт томони ёпиқ девор ичида уларнинг касалга чалинишлари осонроқ. Болалар уйда ўйнаётганларида уй ҳавоси иссиқ ҳамда куруқ бўлмаслиги керак. Бундай ҳавода боланинг бурун қобиклари қуриб қолади. Микробларга қарши курашиши сусаяди. Илоҳи бўлса хона ҳарорати кундузлари 21–22 даража иссиқ, кечкурунлари эса 17–18 даража илиқ бўлгани яхшироқ. Ҳар доим (киш фасли бундан мустасно) имкони борича деразани ярим очиқ қўйган ҳолда ухлашига ўргатинг. Болаларни қалин, ҳаво ўтмайдиغان матоларга ўраманг.

Кўпчилик оналар фарзандининг шамоллаб қолмаслиги учун қалинроқ кийинтиришга ҳаракат қилишади. Аксинча болани катталарга қараганда бир қават опқароқ кийинтириш керак. Чунки улар ҳамма вақт ҳаракатда бўлишади. Масалан, ҳозир 20–25 даража иссиқ, демак, ўлгингиз ёки қизингизга майка, қўйлак, сўнг ёнглироқ кўртка кийдирангиз кифоя. Ёмғир ёққанда оёқлари ҳўл бўлишига йўл қўйманг. Шунингдек, у қайси мураббони яхши кўрса, шундан қойиға солиб ичириб туринг. Сутга асал солиб ичириш ҳам фойдали. Энг муҳими, боланинг шамоллаб қолишидан сира қўчиманг.

НИГОРА тайёрлади



КЎНГИЛ ХИЁБОНИДАГИ УЧРАШУВ

қанча ҳаяжонларим, оғир кечинмаларим, изтироб тўла соғинчларим бор... Бегубор кулугларим, аразли йиғиларим бор бу мактубларда.

Ниҳоят, онам яшайдиган уйга бордим. Учинчи каватга кўтарилдим-да, нотаниш эшик кўнжирогини жуьратсизгина босдим. Эшикни онам очди. Унинг қўллари титраб, юзлари пирпирарди. Бутун вужудим битта сўзга айланди:

— Ойижон!..

Олислардан бир қадрдон сўзни элас-элас эшитгандай бўлдим. Гўё бу овоз бошқа

Сўнг ичкарига кирдик. Утирдик. Мен бир халта хатни стол устига қўйдим:

— Ойи, мана бу хатлар сизга... Уларни мен ҳарф таниган пайтимдан – етти ёшдан бошлаб ёзганман. Лекин бирортасини ҳам жўнатолмаганман. Асраб қўйган эдим уларни. Менинг юрагимнинг парчалари булар...

Онамнинг қўллари титраб хатларни олди. Уларнинг ичидан бир неча донасини танлаб, кўзларига суртди:

— Ҳаммасини ўқийман, қизим. Ёдлаб ҳам оламан.

Онам халтадаги хатларни

«Ёшлигимда ота-онам ажрашиб кетишган. Онам менга ўғайлик азобини раво кўрмай, қайта турмуш қурмаган. Ўзи емай едириб, киймай кийдириб, мени вояга етказди. Мактабни тугатгач, устага шоғирд тушдим, хунарни бўлдим. Ён кўшимизнинг бир қизи бўлиб, ота-онаси ҳар доим мени куёв қилмоқчи эканликларини таъкидлашарди. Лекин мен негадир уни ёқтирмадим. Шунинг учун рўйхушлик бермадим. Охир оқибат келишолмай қолдик ва ҳовлимизни сотиб, бошқа жойга кўчиб кетдик. Шу туфайли кўп ташвишли кунлар бошимиздан ўтди. Онам бўлса «Кўзимнинг очкилигида уйлангин, болам», дейди. Лекин кўнглимга мосини тополмаяпман, нима қилай? Шу боис сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Ёшим 33 да. Маълумотим ўрта-махус. Устачилик қиламан. Ёшимга мос, онамни қадрлайдиган, меҳр-оқибатли тошкентлик қизга уйланмоқчиман.

РАШИД,
Тошкент шаҳри.

Бахтли бўлинг!

«Қумрихон билан ота-оналаримизнинг раъйига қараб турмуш қурган бўлсак-да, лекин бир-биримиз учун яралгандай эдик. Кетма-кет фарзандли бўлдик. У ниҳоятда меҳрибон, ҳокисор аёл эди. Унинг акаси автохалокатга учраб, вафот этгач, ҳеч ўзига келмади. Ота-онасининг аҳолига куюниб, беда-во дардни дўрйтириб олди. Кўрсатмаган дўхтиру табибларимиз қолмади. Қисмат шу эканда, беш йил азоб тортиб, охири дунёдан ўтди. Мана, олти йилдирки, яқинларимнинг «уйлан» деган насиҳатларига ҳам қулоқ солмай яшаётганим. Яқинда шамоллаб, ўн кунча ётиб қолдим. Болаларим атрофимда парвона бўлса-да, аёл кишининг ўрни бошқа экан. Фарзандларим ўзидан тинган. Ёшим 60 да. Ишлайман. Очикқўнғил, меҳри-

бон, фарзандлари ташвишидан қутулган ёки бефарзанд аёл учраса, хабар берсангиз.

РАҲМОН ота,
Хоразм вилояти.

«Олий даргоҳини тугатиб, ўз соҳам бўйича хизмат қила бошладим. Рустамнинг онаси холам билан битта ташкилотда ишларди. Ишхоналаримиз яқин бўлгани учун кўпинча тушликни холам билан биргалликда қилардик. Бир куни унинг онаси: «Жон қизим, сенга меҳрим тушиб қолди, ўғлим билан учрашгин», деди. Рустам учувчи эди. У билан учрашганимнинг эртаси кунийқ совчи юборишди. Холам уларнинг оиласини яхши билгани учун ота-онам сурштирмай, бирданига рози бўлишди. Тўйимиз бўлди. Рустам мактабда, ўқув юртида русча ўқигани учунми урф-одатларимизни билмас,

ўрганишга ҳафсала қилмасди. Оддий меҳмон — мезбонликни ҳам ўрнига қўймасди. Айнакка, ота-онасини селлаб гапириб менига ёқмасди. Ўртоқлари билан тез-тез зиёфатларга боришар, менинг ичкилик ичмаганим, рақсга тушмаганим учун «Қайси замонда яшаяпсан?» деб устимдан ҳаммалари ошқора қулишарди. Ўзимни ўзга оламга тушиб қолгандай ҳис этардим. Рустам ёнимни олиш ўрнига: «Бизларга мослашолмайсан, сендан аж-

рашаман», деб жеркиб берарди. Охири чидолмай, бу ҳақда ота-онамга дардимни тўкиб солдим. Отам ёлғиз қизимнинг қийналишига йўл қўймайман деганди, худди шуни қутиб тургандай Рустам ҳам мен билан қонуний ажрашди. Оғзи қуйган қатикчи ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, ўз вақтида қайта турмуш қуришга юрагим чопмади. Шунга ҳам мана, 17 йил бўлибди. Ёшим 42 да. Фарзандим йўқ. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қиламан. Уйли-жойли, диёнатли, иши тайин инсон учраса, турмушга чиқиш ниятим бор.

ГУЛСАНМ,
Тошкент шаҳри.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

МЕХР КЎП КЎРГУЗДИМ...

Енгил машина санаторий дарвоза-си ёнига келиб тўхтаган, ҳайдовчи йигит чақонлик билан машинадан тушиб, орқа эшикни очдию чаппа ўгирилиб, тиззалади. Машина ичкарасидаги онахон ўглининг елкасига мингашди. Йигит чаптастик билан ўрнидан туриб, иккинчи қаватга кўтарилди. Онаизор йўл-йўлакай ўглини дуо қилиб борди.

— Уч ўғил, беш қиз, йигирма тўрт набирам бор. Бадавлат аёлман. Лекин энди орзу-хавас кўраман деганимда шу ахволга тушиб қолдим. Саккиз йил олдин белимдаги чуррани олдиргандим. Шу-шу, оёқдан қолдим. Болаларимнинг кўрсатмаган дўхтирию табиби қолмади. Кенжа ўғлим Ўзғамжон ҳар йили ҳали Фарғона, ҳали Наманган дейсизми, мени опичлаб юриб доволатади. Келинларимдан бири доим хизматимда. Уларга ҳам ачиниш кетаман, болам,

ОҚИБАТ

энди юрولмайман, шекилли, ўша пулингга сизгир олиб бер, болаларинг билан сут-қатигини ичиб ўтираман, деб ялинсам? биринчи галда сиз яхши бўлиб кетинг бўлди, дейишди барака тоғурлар.

Онахон севинч ёшларини артиб, болаларини алқади. Очиғи, асакалик Робияхон ая Юсупованинг атрофидан парвона бўлаётган фарзандларини кўриб, бир воқеа ёдимга тушди. Туманлардан бирида яшовчи 90 ёшдан ошган онахонни кўргани боргандим. Чоғроқ ҳовли четидидаги нураб бораётган кулбада муштдеккина кампир беозоргина ётар, хона димиқиб кетганидан кирган одамнинг кўнгли беҳузур бўлади. Менга ҳамроҳ бўлган маҳалла мас-

лаҳатчиси дарров уйни шамоллатди. Онахонга яқинроқ келдик. Ҳамроҳим қаттиқ-қаттиқ гапириб, болаларини сўради. Кутилмаганда онахоннинг елкалари титраб, лаблари пирпиради.

— Болалари бемехр чиқди-да, — дея у ёқ-бу ёққа разм солди ҳамроҳим. — Қизи хабар олади-ю, унинг ҳар замонда келгани нима бўларди?! Ўғлига инсоф берсин, келинга ҳам...

Опа гап орасида ҳовлининг юқори қисмида қад ростлаган ҳашаматли иморат томон қараб кўйди. Менинг эса табарруқ ёшга кириб қолган онахон ҳолидан юрагим зиркиради. Ҳа, ота-онанинг эртанги кунни бугун болаларига бераётган тарбиясига боғлиқ, деб бежиз айтишмайди. Табиат қонуни шундай: меҳр кўргизган меҳр кўради...

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА

СПОРТ

ПЕНАЛТИ КИММАТГА ТУШДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони 22-тур баҳсининг марказий учрашуви Қаршида бўлиб ўтди. Мезбон «Насаф» жамоаси мамлакатнинг амалдаги чемпиони Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоасини қабул қилди. Турнир жадвалидаги жойлашувга қараб ҳам учрашувнинг нечоғли муҳим эканлигини сезиш қийин эмасди...

Дастлабки дақиқалардан бошлаб мезбонлар ҳужумга ташланишди. Ҳар икки жамоада ҳам ҳисобни очиб учун қулай вазиятлар содир бўлди, лекин гол уришга келганда аниқлик етишмади. 26-дақиқага келиб учрашувда ҳисоб очилди. Хошимов билан девор услубида комбинация уюштирган Тимур Кападзе чап оёғида зарба йўллаб жамоасини олдинга олиб чиқди. Биринчи бўлимининг қолган дақиқаларида иккала жамоада ҳам бир қатор имкониятлар юзага келди, лекин якуний зарбани аниқ йўллайдиган футболчи топилмади.

Иккинчи бўлимини Демьяненко бир йўла иккита ўзгариш билан бошлади. Бу эса ўз навбатида жамоа ўйинига ижобий таъсир ўтказди. Айниқса, Шомуродов ўрнига майдонга тушган Кенжа Тўраев ўзининг тезкорлиғи билан бошқалардан ажралиб турди.

Ўйиннинг асосий нуқталаридан бири 73-дақиқага келиб содир бўлди. Жарима майдончасига оширилган тўпни Анзур Исмоилов қўли билан тўхтаб қолди. Равшан Эрматов эса бу вазиятда иккиланмай рақиб дарвозаси томон пеналти беллигади. Тўпга яқинлашган Мақсуд Каримов ҳатога йўл қўйгани учун унинг зарбасини Нестеров қайтарди ва ҳисоб ўзгармай қолди.

Қолган дақиқаларда «аждарлар» харчанд уринишмасин, ҳисобни тенглаштиришнинг уддасидан чиқа олишмади. Кенжа Тўраевнинг ўта фаол ўйлини ҳам жамоага ёрдам бера олмади ва қаршиликлар энг асосий рақибларидан бирига, ўз уйида имкониятни бой бериб қўйди.

6 НАФАР МУХЛИС ВАФОТ ЭТДИ

3 октябрдан 4 октябрга ўтар кечаси «Шахтёр» — «Динамо» баҳси бўлиб ўтгандан сўнг фожiali воқеа содир бўлди. Киев-Харьков-Довжан трассасида мухлисларни олиб қайтаётган Мерседес автобуси ҳалокатга учради.

Воқеа Славянский туманининг Селезнёвка қишлоғида содир бўлди. Автобус «МАЗ» юк машинаси билан тўқнашиб кетди. Воқеа жойида 6 киши вафот этди, 13 таси оғир жароҳат билан шифохонага ётқизилди, дейилмоқда «кончилар» расмий сайтида.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

«Оила ва жамият» газетаси ижодий жамоаси газетамизнинг Қашқадарё вилоятидаги ўз муҳбири Шавкат Султоновга акаси

Араббой ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЁЛФОНГА ЎРГАТМАНГ МЕНИ

Холамнинг қизчаси айтганини қилдирадиган, шаддодгина. Мабодо хоҳиш-истаги ўз вақтида бажарилмаса, бир неча кунгача аразлаб юради.

Бир кун уларнинг уйига борганимда худди шундай вазият ҳукмрон экан. Нима бўлганини холамдан суриштирдим.

— Э, нимасини айтасан, — деди у киши хомуш тортиб. — Дадаси парқа олиб бораман деб ваъда берувди, иши чиқиб қолибди. «Энди умуман дадамга ишонмайман. Бу мени учинчи алдашлари», деб хонасидан чиқмай ўтирибди.

Бу гапни эшитиб ўйланиб қолдим. Хўш, бизнинг ўзимиз-чи? Фарзандларимизни қанчалаб алдаганимизни эслайлик: «Агар боғчага борсанг, зўр ўйинчоқ, кў-п ширинликлар олиб бераман», «Ухламасанг, ялмоғиз келади»... Ва ҳрқазо. Бундай алдовларимиз улар кўнглини қолдирмасмикан? Ундан ҳам ёмони, бола ёшлигидан ёлгон гапириш нимагагина секин-аста ўрганиб, бора-бора ўзи ҳам шунга одатланиб қолмайди? Ахир отам ёки онам ёлгон гапирипти-ку деган фикр бола миёсида «бонг» уради. Дадасининг уйда бўла туриб, телефон кўнги-роғига жавоб бермаслиги, эшикдан келган қўшни аёлга «Онам уйда йўқ эди» деб айтишга мажбур бўлиши — буларнинг ҳаммаси бола қалбига сингиб, ёлгон гапиришга мойиллик уйғотади.

Ушбу воқеани эшитинг: қўшнимизнинг ўғли ота-онасига «Мактабга кетдим» деб аслида кун бўйи кўча-қўйда, интернет-кафеларда вақтини ўтказиб, уйига кеч қайтар экан. Бир кун ота-онаси буни сезиб қолиб, қаттиқ танбех беришибди. Унинг эса бамайлхотир нима деганини эшитинг: «Ўзларингиз-ку, менга ёшлигимда «Ўғлим, мактабга борсанг ҳали уни, ҳали буни олиб бераман» дердингиз. Энди билсам, мени фақат алдаркансизлар, менам шундай қилдим-да»...

Хулосамиз эса битта: неча ёшда бўлишидан қатъи назар, болаларимизни зинҳор ёлгонга ўргатмайлик. Гарчи ёлгоннинг «умри» қисқа бўлса-да, шу муддат ораллиғида ЭЗГУЛИК аталмиш туйғуга доғ тушиши мумкинлигини ҳам унутмайлик.

Севара РЎЗМЕТОВА,
ЎЗМУ талабаси.

«КўНГИЛЛИ» ВОҚЕА

тирибди. Янги телефонга энди сим картани солган эдимки, кўнгирик бўлди.

— Ака, сим картангизни олдингизми?
— Олдим.



— Майли, телефон учун раҳмат, ака.
— Болам, майли, телефон сенга

бўлсин-у, лекин мабодо бирон кун келиб, уни қайтаргинг келиб қолса, шу рақамни сақлаб қўйгин.

Орадан бир йил ўтди. У телефонни ёдимдан ҳам чиқариб юборгандим. Бир кун нотаниш рақамдан кўнгирик бўлди:

— Мен ўша — сизнинг телефонингизни ўғирлаган боламан.

— Ҳа, яхшимисан, болам.

— Ака, мен телефонингизни қайтармоқчиман. Мендан рози бўлинг. Ушанда залолатда юрган бола эдим. Худого шукр, ёмон йўлдан қайтдим. Марказдаги фалон дўконга келсангиз, сизга телефонингизни беришади.

Айтган манзилига бордим. Бир йигит унга кимлигини ошкор қилмаслик шarti билан ушбу омонатни ташлаб кетганини айтиб, телефонимни қўлимга тутқазди...

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

ЎФРИНИНГ ҲИММАТИ

Амакимнинг ўртоғи хикоя қилади:

«Бир йил аввал «Дамас»да Nokia 6300 русумли уяли телефонимни тушириб, йўқотиб қўйдим. Дарров кўнгирик қилдим. Бир ёшроқ бола олди.

— Болам, шу телефон меники эди, қайтаргин.

— Йўқ, қайтармайман, мен уни топиб олдим.

Бола телефонни қўйди. Сўнг яна кўнгирик қилдим. Олди.

— Болам, майли, телефон сенга қолсин-у, лекин сим картангни қайтаргин.

— Майли. Унда сиз марказдаги почта олдидаги телефон будкаси-га боринг. Унинг юқори қисмига сим картангизни қистириб кетаман.

Бордим. Айтганидек ўша телефон будкасининг юқори қисмига қис-

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлөзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 16:00
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темура кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Бюуртма Г — 932. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 8083.

Навбатчи муҳаррир — Фарух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5